

## ВИКТОРИЯ ДАВРИНИНГ ИНГЛИЗ АДАБИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

*Дарвишова Гулчехра - Ф.ф.б.ф.д. (PhD)доцент*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети*

**Аннотация:** Мақолада Виктория даври инглиз адабиёти, Виктория даврининг инглиз ва жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси, ушбу давр адабиётининг ўзига хослиги, даврнинг мавзуси ва адабий ривожланиш жараёнлари тадқиқ этилган.

Виктория даврига бўлган қизиқиш, нафақат тарихий воқейликларни ўрганишга бўлган қизиқиши билан эмас, балки Виктория даврининг инглизлар онгидаги алоҳида аҳамияти билан боғлиқ эди. Бунда “икки даврнинг ўхшашлиги доимо ўрганилган - қиролича Виктория даври ва ўзига хос давр Маргарет Тетчер бошқаруви даври ”. Ушбу даврга келиб Виктория даври қадриятларига қизиқиш Буюк Британия ва инглиз тилида сўзлашувчи давлатларда қайта тикланди ва ўз ривожини топди . Ушбу омил бевосита бу икки даврни бир бирига боғлиқ холда мужассамлаштиради. Виктория даври кино, театр ва албатта, адабиёт жанрларида жуда кенг оммалашди. “Даврнинг жозибадорлиги янги минг йилликда Виктория даврига бўлган қизиқишини янада кучайтириди” .

Қиролича Виктория бошқаруви остида барча соҳалар қаторида адабиёт ва адабий муҳитнинг юксалиши юз берди ва айнан бу даврда кўплаб инглиз ёзувчилари ва шоирлари етишиб чиқди

Ушбу мақолада нафақат инглиз адабиётининг даврлашувини кўрсатиш, балки унда чуқур из қолдирган тарихий шахслар билан боғлиқ замонлар ҳам ёритиб берилган, шунингдек, Европа тиллари ичida инглиз тили жуда кенг тарқалганлиги, кўп сўзлилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазмун жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаш сўзларнинг кўп учраши ва бошқа омиллар натижасида инглиз ёзувчилари ушбу омиллар ва сўзлардан ўта моҳирона фойдаланганлиги ҳаттоқи, янгидан-янги сўзларнинг муомалага киритилганлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** викториан даври, инглиз адабиёти, роман жанри, ижтимоий роман, тип, роман хусусиятлари, образ, аёл, тақдир, Викториан анъана, характер.

**Аннотация:** В статье рассматривается английская литература Викторианской эпохи, вклад Викторианской эпохи в английскую и мировую литературу, своеобразие литературы этого периода, тема периода и процесс литературного развития.

Интерес к викторианской эпохе был связан не только с его интересом к изучению исторических фактов, но и с особым значением викторианской эпохи в сознании англичан, "Сходство двух периодов всегда изучалось - период

королевы Виктории и конкретный период - период правления Маргарет Тэтчер". К этому периоду девичество к ценностям викторианской эпохи было восстановлено в Великобритании и англоязычных странах и нашло свое развитие. Этот фактор непосредственно воплощает эти два периода в одном связном состоянии. Викторианская эпоха стала очень популярной в жанрах кино, театра и, конечно же, литературы. "Привлекательность эпохи еще больше подогрела интерес нового тысячелетия к викторианской эпохе."

В данной статье не только показана периодизация английской литературы, но и освещены времена, связанные с историческими личностями, оставившими на ней глубокий отпечаток, а также тот факт, что английский язык, очень распространенный в европейских языках, имеет особое значение в своей многозначности. В результате многочисленных встреч слов, очень похожих друг на друга по содержанию и другим факторам, был проанализирован тот факт, что английские писатели очень умело, использовали эти факторы и слова, даже с новой точки зрения-введения новых слов в оборот.

**Ключевые слова:** Викторианская эпоха, английская литература, жанр романа, социальный роман, тип, особенности романа, образ, женщина, судьба, Викторианская традиция, характер.

**Annotation:** The article examines the English literature of the Victorian era, the contribution of the Victorian era to English and world literature, the originality of the literature of this period, the theme of the period and the process of literary development.

Interest in the Victorian era was not only related to interest in the study of historical facts, but also to the special significance of the Victorian era in the minds of Englishmen. "The similarities between the two periods have always been studied - the period of Queen Victoria and the specific period - the period of the reign of Margaret Thatcher." By this period, girlhood to the values of the Victorian era was restored in Great Britain and English-speaking countries and found its development. This factor directly embodies these two periods in one connected state. The Victorian era became very popular in the genres of cinema, theater and, of course, literature. "The appeal of the era further fueled the interest of the new millennium in the Victorian era."

This article not only shows the periodization of English literature, but also highlights the times associated with historical figures that left a deep imprint on it, as well as the fact that English, which is very common in European languages, has a special meaning in its polysemy. As a result of numerous meetings of words that are very similar to each other in content and other factors, it was analyzed that English writers very skillfully used these factors and words, even from a new point of view - the introduction of new words into circulation.

**Key words:** Victorian era, English literature, novel genre, social novel, type, novel features, image, woman, fate, Victorian tradition, character.

## КИРИШ

Бугунги кунда инглиз адабиёти билан қизиқадиган, ёки инглиз ёзувчилари, шоири адабиётчилари асарларини севиб ўқийдиганлар учун Вильям Шекспир, Чарльз Диккенс, Артур Конан Дойль, Агата Кристи ва бошқа сон-саноқсиз номлар чуқур илҳом манбай эканлигини алоҳида эътироф этмоғимиз лозим. Бирок, ўқувчиларни уларнинг яшаб ўтган даврлари ва улар томонидан яратилган ўлмас асарларнинг даврлашуви билан ҳам танишитириб ўтиш – бугунги кун адабиётининг, аникроғи жаҳон адабиётининг олдида турган энг асосий масалаларидан биридир. Чунки, маълум бир даврларда инглиз адабиётида чуқур из қолдирган ушбу ёзувчилару-шоирлар, адабий муҳит вужудга келтирувчилари ўзларининг шедевр асарларини яратганлар, ўша даврга хосликни намоён қила олганлар, ўз даври билан яшаганлар.

Биз тадқиқотимизда нафақат инглиз адабиётининг даврлашувини кўрсатишга, балки унда чуқур из қолдирган тарихий шахслар билан боғлиқ замонларни ҳам ёритишга ҳаракат қиласиз. Инглиз адабиётчилигининг энг қизғин даври нафақат Европадаги Ренессанс, балки Ўрта асрлар билан ҳам маълум бир боғлиқликка эга бўлиб, ўша даврларнинг руҳини, инглиз жамияти ва инсонлари ҳаётини акс эттирадиган, давлатчилик тараққиётида дуч келинган муносабатларни ёритиб берган кўплаб асарлар яратилганки, уларнинг барчаси қизиқарли ва алоҳида қийматга эга. Шуни қайд этишимиз лозимки, Буюк Британиянинг барча қисмлари (Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия) да яратилган адабиёт намуналари инглиз адабиёти сифатида тақдим этилади.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигига Викториан даври адабиёти, реалистик принциплар, Викториан даври адабалари, феминизм ва феминистик адабиёт тараққиёти, поетиканинг муайян давр ижодкорлари ёки алоҳида ёзувчи ижоди мисолида индивидуаллик ва қиёсий-типологик умумлашма таҳлили каби илмий-назарий муаммолар ғарб адабиётшунослари Г. Мур, А. Разин, Ф.Брентано, Р. Пауелл, Ж. Дефо, К. Мессенжерлар томонидан тадқиқ қилинган.

## ТАҲЛИЛ

Инглиз адабиётининг муҳим даврларини қамраб оладиган, Британия империясида адабиёт равнақи билан характерланадиган, 1837-1901 йилларда тобора адабий муҳитнинг гуллаб-яшнаган даври сифатида ёдга олинадиган давр ҳисобланган Қиролича Виктория бошқаруви билан характерланадиган Виктория даври бугунги кун тадқиқотчилари учун энг долзарб адабий мавзулардан бири сифатида сақланиб қолмоқда

“Виктория даври” атамасининг келиб чиқиши XX аср бошларига бориб тақалсада, адабиётта нисбатан ушбу термин биринчи маротаба Э.К. Стедманнинг 1876 йилда чоп этилган «Викториан поэзияси» антологиясида кўлланилиши билан

кириб келган (Stedman E., 1876 ).

Адабиётшунос олимлар фикрига кўра, «Викторианизм» тушунчаси нафақат қиролича Виктория хукмронлигидан, балки Англия чегарасидан ҳам ташқарига чиқиб, бу ҳолат Британия учун ноёб ҳодисага айланди. Д.Фаулз таъкидлаганидек «Виктория даври маданияти Фарбнинг барча ерларида мавжуд эди». Олимлар бунга асосий сабаб сифатида қироличанинг адабиёт ва саъатга нисбатан бўлган эътибори натижасида адабий муҳит таъсирининг кенгайиши, омма ўртасида адабиётга иштиёқнинг ошишини келтиришади.

Н.Дъяконова келтирганидек Виктория даврида жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, синфий асослари, ахлоқий тамойиллар ва диний меъёрлари ўзгармас бўлиб, технологик тараққиёт ва саноатлаштириш орқали эришилган моддий ютуқлар, шунингдек мамлакат ичида ҳамда ташқарисидаги сиёсий ўйинлар, ривожланмаган давлатларнинг бўйсундирилиши Буюк Британиянинг ташқи оламдан устунлигини белгилади . Бундай ишонч туфайли вужудга келган ўзига хослик, муросасизлик адиллар асарларида яққол акс эттирилган.

XX асрда “Виктория даври” атамаси кенг талқин этилиб, 1948 йиллардан бошлаб Виктория адабиёти тадқиқотчилар ҳамда адабиёт вакиллари томонидан илмий ўрганилиб таҳлилга тортилди. Ушбу даврдан бошлаб ҳаётнинг ҳар бир жабхасида, ижтимоий ва маданий ҳаётда Виктория даври ўз аксини топди (Llewellyn M., 2008). Турли адабиётшунослик мактабларининг ривожланиши билан XX-XXI асрларда “Виктория даври” адилларининг бадиий услуби, адаб романистикаси рецепциясига қизиқиш кучайди, қаҳрамонлар психологизмининг таҳлили чуқурлашди, бадиий кўлами, феминизм, мифопоэтика нуқтаи назарларидан тадқиқ этиш доиралари кенгайди. Бу ўз навбатида “Виктория даври”га бағишлиланган ва ушбу даврни илмий таҳлил этган кўплаб диссертация ва монографияларни вужудга келтирди (Goodman R., 2003).

В.Каннингем адабиётшуносларнинг Виктория даврига бўлган қизиқишини шундай ифодалайди “Ўтмиш бу классикка (мумтоз). Шу боис ўтмиш замонавий адабий онгни беқиёс куч билан эгаллаб, бир вақтнинг ўзида ҳам ҳасадни, ҳам афсусланиш ҳиссини келтириб чиқаради” .

Е.Аминева тадқиқотида “Виктория даври тушунчаси маълум бир мафкура, тафаккур ва турмуш тарзини, маънавий муҳитни, ахлоқий кўрсатмалар мажмуасини англатади, шунингдек, жамиятнинг муваффақиятли прогрессив ривожланишидан далолат беради” , дея талқин этилган. Олима ўз тадқиқотини Джон Фаулза асарлари мисолида олиб бориб Виктория даври тушунчасини тизимли таҳлил этган.

Австралиялик тадқиқотчи Г.Мур ҳар бир замонавий инглиз, шунингдек, собиқ инглиз мустамлакаларида яшовчилар Виктория даври мероси учун маъсулдир, деб таъкидлайди .

Адабиётшунос олимлар Виктория даври адабиёти замонавий инглиз насирида яна бир жонланишни бошдан кечирғанлигини таъкидлашади. Инглиз ёзувчилари П.Акройд, Д.Лож, А.С.Байетт, Г.Свифт, Д.Барнсларнинг асарларида бевосита инглиз адабиёти ҳамда Виктория даври романлиги уйғунылиги акс этади.

Етакчи инглиз адабиётшуноси Малcolm Бредберининг фикрига кўра, Виктория даврига бўлган қизиқиши, нафақат тарихий воқейликларни ўрганишга бўлган қизиқиши билан эмас, балки Виктория даврининг инглизлар онгидаги алоҳида аҳамияти билан боғлиқ эди. Бунда “икки даврнинг ўхшашлиги доимо ўрганилган - қиролича Виктория даври (1837-1901) ва ўзига хос давр Маргарет Тетчер бошқаруви даври (1979-1990)” . М.Тетчер бошқаруви йилларига келиб Виктория даври қадриятларига қиззиқиши Буюк Британия ва инглиз тилида сўзлашувчи давлатларда қайта тикланди ва ўз ривожини топди . Ушбу омил бевосита бу икки даврни бир бирига боғлиқ холда мужассамлаштиради. Виктория даври кино, театр ва албатта, адабиёт жанрларида жуда кенг оммалашди . “Даврнинг жозибадорлиги янги минг йилликда Виктория даврига бўлган қизиқиши янада кучайтируди” .

Виктория даври адабиёти Англиядаги адабий анъаналарда сезиларли из қолдирди. Жаҳон адабиётида Виктория даври энг ёрқин саҳифалардан бирига айланиб бу давр инглиз адабиётининг олтин фонди ва юксак классикалари яратилган давр деб номланади. Шу боисдан XX аср охирида инглиз ёзувчиларининг асарларида доимий равишда XIX аср адабиётига мурожаат этилиши, Виктория насрининг классик намуналарини замонавийлик нуқтай назаридан қайта ёритилиши ҳамда янги талқинда тадбиқ этилиши оммалашган. Юз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам М. Люлиннинг фикрига кўра, инглизлар ўзларини “янги Викторианлар”, деб ҳисоблашади . “Инглизлар нафақат Викториан бўлганлар, балки бутунги кунда ҳам улар Викториан эканликларига янада кўпроқ амин бўлдилар” .

Маълумки, Европа тиллари ичида инглиз тили жуда кенг тарқалганлиги, кўп сўзлилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазмун жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаш сўзларнинг кўп учраши ва бошқа омиллар натижасида инглиз ёзувчилари ушбу омиллар ва сўзлардан ўта моҳирона фойдаланганлиги ҳаттоки, янгидан-янги сўзларни муомалага киритганлиги адабиётшунос олимлар томонидан эътироф этилади.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, инглиз адабиёти ўз даврини белгилаб берган, унинг руҳиятини асарларга сингдира олган шоирлар, ёзувчилар даврига бўлинади ва уларнинг асарларини ўқиб биз Англия тарихи, маълум бир воқеликларини, давр сўронларини тасаввур қиласиз ва қўз олдимизга келтирамиз.

Энди инглиз адабиётини турли илмий манбалар ва маълумотлар асосида даврлаштиришга ҳаракат қилсак. Гарчи жуда узоқ йиллик тарихга эга бўлсада, биз

мавзунинг асосий обьекти сифатида ўрта асрлардан бошлаб, адабиёт даврларини санаб, уларнинг ўзига хосликлари ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтишни лозим топдик.

Англияда 1558-1603 йилларни ўз ичига оладиган Елизавета I бошқаруви давридаги адабиёт. Бу давр биз учун жуда яхши маълум бўлиб, нафақат Англия, балки бутун Европа ўрта асрлар феодализмининг тугаб бориши ва Ренессанс даврининг бошланғич босқичларини қамраб олади. Аабиёт соҳасида ҳам шеърият, романчилик кенг томир отаётган, тобора юксалиб бораётган бир даврларни бошдан кечираётган инглиз адабиётида драманинг ўрни тобора ўзгача аҳамият касб этарди. Ушбу даврда яшаб ижод этган ёзувчилар Томас Кид, Роберт Грин, Кристофер Марло ва бир мунча вақт кейин жаҳон адабиётида ўзининг ўрнига эга бўлган улуг драматург Уильям Шекспирлар томонидан инсониятнинг ажойиб дурдона асарлари яратилди. Бу даврларда яратилган нодир асарлар бугунги кунда ҳам барча адабиёт шайдолари томонидан севиб мutoала қилинмоқда.

Асарларнинг асосий хусусияти шунда эдики, уларнинг барчаси чукур хиссиёт билан ёзилган ва ундаги образлар ўз даврини акс эттирар эди. Ёзувчилар адабиёт шеърий образларга бой бўлиши билан бир қаторда, у мажбурийликдан йироқ ва оммавий бўлиши лозим деб ҳисоблар эдилар. Ўша даврнинг машҳур ёзувчилари Жейн Остин, лорд Байрон, Вальтер Скотт, шоирлар Уильям Блейк, Перси Биши Шелли, Джон Китс, Сэмюил Тейлор Колъридж, Уильям Вордсвортлар жуда катта машҳурликка эришган эдилар. Ўша вақтда маълумки, Фарбий Европада готик услуб (gothic style) (<https://owlcation.com/humanities/The-Gothic>) вужудга келган эди. Бу борада Энн Рэдклифф ва Мэри Шеллилар ижод қилганларни маълум.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг илк йилларини ўз ичига олган вақт оралиғи назарда тутиладиган замон “Виктория адабиётчилиги” (Victorian Literature) номи билан ҳам тушунилди. Бу даврда яратилган барча назмий, насрый, адабий асарлар виктория асли муҳити сифатида эътироф этилади.

Виктория даври адабиётида романчилик жанри устун ҳисобланган. Бу даврда энг кўп асарлар ижод қилган ёзувчилардан Чарльз Диккенснинг «Давид Коперфильд» (David Copperfield), «Катта умидлар» (Great Expectations) сингари асарлари машҳурликка эришган. Шунингдек, Уильям Теккерейнинг «Шухратпарастлик бозори» (Vanity Fair), Роберт Стивенсоннинг «Хазиналар ороли» (Treasure Island), «Доктор Жекил ва мистер Хайданинг саргузашлари» (The Strange Case of Dr. Jackil and Mr. Hyde), Редъядр Киплингнинг «Just So Stories», Артур Конан Дойлнинг «Шерлок Холмс ёзувлари», опа-сингил Бронтелар (Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» (Jane Eyre), Эмили Бронтенинг «Wuthering Heights», Энн Бронтенинг «Агнес Грэй» (Agnes Grey), Оскар Уайлднинг «Дориана Грэя портрети» (The Portrait of Dorian Gray), Томас

Гардининг қиссалари, Д'эрбервиллей қавмидан бўлган Тэсс сингари асарлар жуда катта шуҳрат қозонган ва ўз даврининг етук адабий намуналари сифатида халқнинг, жамиятнинг қалбидан ўрин олган эди.

Виктория даврининг йирик адиби Чарльз Диккенс ижтимоий роман жанрига асос солиб романчилик жанрининг нозик жиҳатларини очиб берган. “Диккенснинг «Оливер Твист», «Николас Никльби ҳаёти ва саргузашлари», «Мартин Чезлвит ҳаёти ва саргузашлари», «Дэвид Копперфилд» ва «Катта умидлар» асарлари тарбия романи жанрий белгилари нуқтаи назаридан барқарор типологик ўхшашликлар аниқланган”(Махмудова Н., 2020).

Виктория даври адиблари асарларида яхшилик ва ёмонлик масалалари кенг талқин этилган. Е.Аминева ушбу даври адабиётини таҳлил эта туриб, унинг ўзига хос янги бир жиҳатини аниқлаган. Яъни, сюжет тараққиётининг ўзига хослигини белгилайдиган интиқом мотиви, бунда асар қаҳрамони образ фаолиятига яраша “муаллиф ўз қаҳрамонини мукофотлаши ёки ундан интиқом олиши” келтирилган

Виктория даври намоёндалари адабиётининг маънавий қимматини миллий менталитетнинг вужудга келиши ва унинг тарихи, цивилизацияси мисолида ёритиб беришган. Масалан, Нил Жон, Сара Стикни асарларида аёлнинг оиласидаги ва ижтимоий жамиятдаги ўрни ва аёлга бўлган муносабат кенг ёритиб беришган .

Ч.Диккенс, У.Теккерей, опа-сингил Бронтелар, Э.Гаскелл, Ж.Элиот асарларида, қийинчиликларга ва қарама-қаршиликларга қарамай, Англияning ижтимоий ва сиёсий кўриниши батафсил тасвирланиб, асарларда кўтарилилган мавзуларнинг турли хиллиги асосан ижтимоий муаммолар доирасида тасвирланган.

Виктория даври адабиётда романчилик жанри ривожланишига кўра қўйидаги типларга бўлинади.

1. Тарбиявий роман
2. Автобиографик ёки автобиографик тарбиявий роман
3. Готик роман
4. Манчестер романлари
5. Гувернанткалар (уй устозлари) романи
6. Ижтимоий психологик роман

Викториян даври адиблари асарларида ҳар бир роман типига хос элементлар яққол акс этган.

Тадқиқотимизда шартли равишда биз Виктория даврини ҳам турли даврларга бўлиб ўрганишни афзал кўрдик.

Илк адабиёт замони 1830-1848 - йилларни ўз ичига олади. Бу даврда яратилган кўплаб асарлар ҳис-ҳаяжонга тўла бўлиб, уларда асосан ўрта синфишиларининг ҳаёти акс этган эди. Бу даврда адабиёт жанрлари ичida романчилик устунлик қилган. Катта ҳажмли романлар ўша вақтларда газеталарда

кам – кам ҳажмда бериб борилар ва бу йўл билан уларнинг нархи пасайтирилар, бу эса ўз навбатида кўпчиликнинг, омманинг ушбу асарлар билан танишишига имконият яратилар эди. Адабиёт орқали зиё тарқатишнинг бундай усулларидан Чарльз Диккенс, Уильям Теккерей ва Элизабет Гаскеллар, шунингдек, ўша даврнинг машҳур ёзувчилари Роберт Стивенсон, Артур Конан Дойль ва опа-сингил Бронтелар ҳам кенг фойдаланаар эдилар.

Тадқиқотимизда келтириб ўтганимиздек, 1870-1901 - йилларни қамраб оловчи сўнгги давр Виктория даври адабиёти учун эстетика ва тушқунлик руҳиятини ифодалайдиган замон бўлган. Бу даврда яшаб ижод қилган ва ушбу услугуни ўз асарларида акс эттирган Оскар Уайлд ва бошқа муаллифлар экспериментларга кўнгил кўйдилар ва санъат ахлоқнинг “табиий” меъёрларига бутунлай қарши чиқади деб ҳисоблардилар

### ХУЛОСАЛАР

Юқоридаги фикрлар асосида шуни қайд этишимиз лозимки Европа учун хос бўлган бозор иқтисодиётининг тобора такомиллашуви ва саноат инқилобларида ҳам Англия, аниқроқ қилиб айтганда, Британиянинг ўз ўрни, мақоми, мавқеи алоҳида эканлиги бугун ҳеч биримиз учун сир эмас. Бундан ташқари, дунёning деярли 25 фоиз худудларига эгалик қиласиган, ўта бой мустамлакаларга эга бўлган мамлакатда, тарихчи олимлару, мутахассислар томонидан. фаровонлик ва тараққиёт хукм сурган давр сифатида баҳоланади ва эътироф этилади.

Умуман олганда, бу Виктория даврининг инглиз ва жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси, ушбу давр адабиётининг ўзига хослиги, даврнинг мавзуси ва адабий ривожланиш жараёнларининг шиддатидир. Зоро, Қиролича Виктория бошқаруви остида барча соҳалар қаторида адабиёт ва адабий муҳитнинг юксалиши юз берди ва айнан бу даврда кўплаб инглиз ёзувчилари ва шоирлари этишиб чиқиб, ўта сермаҳсул ижод қилди дейиш мумкин.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Amineva, Ye.S. Tradisiya viktorianskoy literaturi v tvorchestve Djona Faulza // avtoref. diss. ... kan. filol. nauk. Yekaterinburg-2011. S. 34.
2. Bradbury, M. The modern British novel. 1878–2001 / M. Bradbury. – L.: Penguin books, 2001. – P.40
3. Kaplan, C. Victoriana : Histories, Fictions, Criticism / C. Kaplan. – Edinburgh : Edinburgh University Press, 2007. – 173 p. (8)
4. Kirchknopf, A. (Re)working of Nineteenth-Century Fiction : Definitions, Terminology, Contexts [Электрон ресурс] / A. Kirchknopf // Neo-Victorian Studies online scholarly journal. – Autumn 2008. – P. 53–80. [www.neovictorianstudies.com](http://www.neovictorianstudies.com).

5. Llewellyn, M. What is Neo-Victorian Studies [Электрон ресурс] / M. Llewellyn // Neo-Victorian Studies online scholarly journal. – Autumn 2008. – P. 164–185. [www.neovictorianstudies.com](http://www.neovictorianstudies.com).
6. Moore, G. Twentieth-century Re-workings of the Victorian Novel [Электрон ресурс] /G. Moore // Literature compass. – 2008. – Volume 5. – Issue 1. – P. 134–144. (134) [www.blackwell-compass.com/subject/literature/](http://www.blackwell-compass.com/subject/literature/).
7. Darvishova, G. K. (2023). SHARLOTTA BRONTE IJODIDA AYOLNING IJTIMOIY MAVQEI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(1), 57-67.
8. Kenjabayevna, D. G. (2023). A CREATIVE POWER OF CHARLOTTE BRONTE IN THE VICTORIAN ERA. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 35(8), 117-120.
9. Kenjabayevna, D. G. (2023). THE CONSTITUTION IS MY PRIDE. TADQIQOTLAR, 28(4), 89-91.
10. Kenjabayevna, D. G. (2023). DESCRIPTION OF FEMALE CHARACTERS IN CHARLOTTE BRONTE'S LITERARY STYLE. Лучшие интеллектуальные исследования, 10(4), 126-129.
11. Iskandarovna, K. G., & Kenjabayevna, D. G. (2020). The means of image "woman" in the literary world of charlotte bronte. Journal of Critical Reviews, 7(12), 136-139.
12. Дарвишова, Г. К. (2021). THE ISSUES OF WOMEN AND SOCIETY IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 4(4).
13. Darvishova GK, MAVQEI AI. ORIENSS. 2023. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-ijodida-ayolning-ijtimoiymavqei> (дата обращения: 10.10. 2023).
14. Kenjabayevna, D. G. (2022). The issues of gender, equality and moral problems in the novel “jane eyre” by charlotte bronte. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(5), 731-735.
15. Дарвишова, Г. К. (2022). По Педагогическом Мастерстве Учителя Иностранныго Языка В Процессе Урока. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(10), 122-125.
16. Darvishova, G. K. (2023). ШАРЛОТТЕ БРОНТЕ ИЖОД ҚИЛГАН ВИКТОРИЯ ДАВРИ. Innovative Development in Educational Activities, 2(19), 238-243.
17. Darvishova, G. K., & Baxodirov, A. X. (2022). INGLIZ TILIDA SIFATLARNING QIYOSIY DARAJASI TAHLILI. ILM FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO'LLANILISHI, 2(28), 21-28.

18. Дарвишова, Г. К. (2022). ШАРЛОТТА БРОНТЕ АСАРЛАРИДА БАДИЙ МАҲОРАТ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 26), 754-757.
19. Abdukarimovich, M. T. (2022). The role of repetition as a stylistic tool in political texts. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 13, 64-65.
20. Туйчибаева, Ш. (2020). Проблемы изучения русского языка как иностранного и пути их решения. Востоковедения, 2(2), 120-127.
21. Туйчибаева, Ш. Ш. (2023, February). ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ СЛОЖНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 1, pp. 476-487).
22. Туйчибаева, Ш. Ш. (2022). Development of hearing-performance skills while teaching Russian language. Издатель «Моя профессиональная карьера, 5(24), 965-976.
23. Туйчибаева, Ш. Ш. (2023). Из опыта обучения русскому языку иностранных слушателей. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(21), 208-212.
24. Туйчибаева, Ш. (2024). К ВОПРОСУ ОПТИМИЗАЦИИ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 45(3), 144-148.
25. Иканова, Л. (2024). ПРИОРИТЕТ ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ ОСУЖДЕННЫХ.
26. Ikanova, L. S. (2024). JAZONI IJRO ETUVCHI MUASSASSALARDA, TA'LIMNI TASHKIL QILISH TAJRIBALARI (AQSH MISOLIDA): Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari, 7(3), 26-31.
27. Lazokat, I. (2024). SOBIQ SUDLANGAN SHAHSLARGA INGLIZ TILINI O'QITISH: JAHON TAJRIBALARI. World Scientific Research Journal, 32(1), 214-216.
28. Lazokat, I. (2024). SUDLANGANLARNI CHET TILIGA O 'QITISH BO 'YICHA XORIJ TAJRIBASI (GERMANIYA VA AQSH MISOLIDA). ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 54(2), 65-69.
29. Ikanova, L. S. (2024). JAZONI IJRO ETUVCHI MUASSASSALARDA, TA'LIMNI TASHKIL QILISH TAJRIBALARI (AQSH MISOLIDA): Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari, 7(3), 26-31.

30. Khayrullaevna, S. M., Sadikovna, M. F., Setiaelevna, R. I., & Akmalovna, F. R. (2020). Efficacy of using distance learning in teaching process. European Journal of Molecular and Clinical Medicine, 7(2), 797-801.
31. Murakayeva, S. K. (2023). The Author's Interactive Methods for the Military Lawyers: "Digital Case Study" Video Lessons, "Digital Storytelling and Startup Lessons", "The New Creative Matrix Workshop" and Procedural Lessons With "Legal Discussions". Journal of Higher Education Theory and Practice, 23(4).
32. Murakayeva, S. K. (2023, February). INNOVATIONS THAT HAVE CHANGED ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND INTERACTIVE SPEAKING SKILLS BY SHAKHNOZA MURAKAYEVA. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 3, No. 1.2).
33. Murakayev, I. I., & Murakayeva, S. K. (2022, November). CREATING OF THE NEW TECHNICAL EDUCATION SYSTEM IN MILITARY ORGANIZATIONS: COMPUTER-AIDED LEARNING AS VIRTUAL TARGET SHOOTING AND TACTICS TRAININGS, VIRTUAL HAND-TOHAND COMBAT AND DIGITAL ACCELERATED MOVEMENT. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 2, No. 7).
34. Murakayeva, S. X. (2022). INTERACTIVE DEVELOPING OF ORAL SPEECH COMPETENCE IN TEACHING ENGLISH FOR THE MILITARY LAWYERS THROUGH AUTHOR'S INNOVATIVE "DIGITAL CASE STUDY" VIDEO LESSONS. Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka, 2(6).